

ANIQ VA TABPY FANLAR

Даминов М.И., Шарипов М.З., Шамсиев Р.Х., Хайитов Д.Э.	Доменная структура и некоторые свойства редкоземельных ферритов-гранатов.....	3
Дурдиев Д.К., Бозоров З.Р.	Квазидвумерная обратная задача определения ядра интегрального члена в уравнении вязкоупругости.....	10
Астанов С.Х., Каххаров С.К., Шамсиев Р.Х.	Спектроскопическое исследование процесса гиппохромного эффекта в растворах пищевых красителей и витамина В ₂	21
Рахимов Ш.А.	Исследование спектров оптического поглощения линейно-поляризованного света редкоземельного ортоалюмината TbAlO ₃	27
Олимов Х.К., Канокова Ш.З.	Феноменологические модели и анализ соударений тяжелых ионов при высоких энергиях.....	30
Астанов С.Х., Ахророва М.И.	Спектроскопия флавон содержащих красителей и кверцетина в зависимости от природы растворителей.....	35
Тўраев Э.Ю., Ниёзова О.А., Шарипов Э.И.	Ўзбекистон Республикасининг шимолий регионларидағи сунъий юзага келувчи экологик муаммоларнинг ҳалқ ҳўялигига таъсири.....	39
Алиев Р., Икрамов Р.Г., Алиназарова М.А.	Влияние коэффициента неидеальности вах на эффективную мощность солнечных элементов...	43
Хамраев Ю.Ю., Холикова М.Қ.	Об одной разностной схеме высокого порядка точности для краевых задач с логарифмической особенностью.....	47
Атоев Э.Х.	Исследование взаимодействия солей хрома и цинка с различными органическими реагентами..	53
Мурадов Ш.К., Облакулова Л.Ғ., Амиркулов Х.Қ.	Тўғри бурчакли триметрик проекцияларда яққол тасвиirlар ясаш.....	57
Худайбердиев О.Ж., Джураева Н.М., Норов Ф.М., Жумабоев Э.О.	Математическое моделирование получения непрерывных трещины в шпурах с использованием невзрывчатых разрушающих смесей.....	62
Назарова С.М., Зарипов Г.Т.,	Бухоро воҳаси сугориладиган ўтлоқ тупроқларининг умумий физикавий хоссалари ва уларни яхшилаш йўллари.....	66

TILSHUNOSLIK

Им С.Б.	Понятие фузии и агглютинации в морфонологическом плане.....	70
Розикова Г.З.	Махмуд Конғарийнинг “Девону луготит турк” асарида кўлланган кийим ва мато номлари.....	74
Kasimova R.R., Axmedova M.F.	Syntactic stylistic methods and devices.....	79
Ишанжанова М.	Француз ва ўзбек тилларида ўрин равишларининг дейктик маъно ифодалashi.....	84
Ibraximova D.T.	Antroponiimlar idiomatik birliklarning tarkibiy komponenti sifatida.....	89
Рузиев Я.Б.	Взаимозаменяемость значений временных форм глагола (на материале немецкого языка).....	94
Юлдашева Ф.Э.	Инглиз ва ўзбек тилларидаги анъанавий ва нуткий сонларнинг стилистик мақсадлари.....	98
Ostonova S.N.	The formation and historical perspective of terminological vocabulary in english language	103
Хамроева Ш.М.	Ўзбек тили корпусида морфологик разметка ва лингвистик модель (феъл ва от туркуми мисолида).....	107
Норова М.Ф.	Элизияли сўзларнинг услубий хусусиятлари.....	
Xayatova Z.M.	Ingliz, koreys va o'zbek tillarida hurmat shakli ifodalanishining qiyosiy tadqiqi.....	118
Каххарова Г.Ш.	Инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламаларнинг маъновий гурухланиши.....	122

ADABIYOTSHUNOSLIK

Холмуродов А.	Бадий маҳорат сирлари кашфиётчиси.....	126
Курбонов С.К., Худайбердиев А.А.	Шоир Носир Бухорий ва унинг адабий-илмий мероси ҳақида.....	130
Ражабова М.Б.	Алишер Навоий ижодида олқиши ва қарғиши стилизацияси.....	135
Кадирова Н.А.	Бальзак ва Стивенсон ижодида “Эврилиш” мотивидан фойдаланиш маҳорати.....	139
Ходжиева Г.Р.	“Алишер Навоий” – шеърий драма намунаси сифатида.....	144
Туропова П.Ш.	Шоира лирикасида Навоийдан таъсирланиш оҳанглари.....	148
Попов Д.В.	“Ўтган йиллар ҳакидаги ҳикоя” асарининг публицистик ғоялари.....	152
Khayrulloyeva N.N.	Motifs and symbols in Virginia Woolf's “To the lighthouse”	158
Adizova N.I.	Shoir Erkin Vohidovning metaforalardan foydalananish mahorati (“Nido” dostoni misolida).....	162
Ўроқова Н.Ё.	Усмон Кўчқор достонларининг бадий тили.....	169
Султонова Н.Н.	“Озод” романида постмодернистик сюжет тамойили.....	174
Очилов У.С.	Америка ёзувчisi Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” (“Sister Carrie”) романида натуралистик образлар.....	179
Жумаев А.А.	Немис ва ўзбек эртакларида лайлак образи ифодасигахос хусусиятлар.....	184
Sodiqova D.T.	Muslihabegim miskinning mulamma' g'azallari.....	189

MUNDARIJA

Zaripova D.B.	“O‘ylab so‘zlaganning so‘zi haqiqat...” (“Qutadg‘u bilig”, “Hibat ul haqoyiq”, “Qobusnomा” asarlarining qiyosiy tahlili).....	193
Ўразбоева М.К.	XX аср ўзбек романларида аёл образи.....	198
Жамахматов К.А.	Ҳожи Мұхаммад Шаҳдий ижодидан бир газал шархи.....	203
Хамирова М. Х.	Француз ва ўзбек шеъриятида деопоэтонимларнинг бадий кўлланиши.....	210
NAVOIY GULSHANI		
Эшонқулов Ҳ.П.	Хаттидин лаълига еттим, лаълидин тоитим ҳаёт.....	206
FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK		
Дехканов Н.Б.	Жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда сиёсий менежментнинг ўрни.....	217
Эсанов А.Ш.	Норма ижодкорлигини амалга оширишда конунчиллик техникаси.....	222
Хамраев И.Т., Тошев А.Т., Итолмазов А.Х.	Характерные черты и виды коррупции в сфере образования.....	227
Норов Ш.С.	Формирование государственной молодёжной политики Узбекистана.....	236
Абдушахидов Н.Б.	Орол денгизидаги экологик тангликларнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг салбий оқибатлари.....	239
TARIXSHUNOSLIK		
Орзиев М.З., Аҳмадов А.А.	Иккинчи жаҳон уруши ва очилмай қолган Афғон фронти хусусида.....	243
IQTISODIYOT		
Турсунов Б.О.	Саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-куватлаш ва ракобатбардошлигини оширишнинг инновацион аҳборот таъминотини шакллантириши.....	250
Шералиева С.А.	Туризм тизимида инвеститион мухитни ривожлантиришда бошқарув фаолиятининг роли.....	254
Собирова З.Р.	Туризм сўзининг тушунчаси ва туризм терминларининг келиб чиқиши тарихи.....	259
PEDAGOGIKA		
Амонов А.К., Уринов С.Х., Абдуганиев Ш.А., Махмудов Ф.Д.	“Электроника ва схемалар” фанини ўқитишида тригонометрик функция ва комплекс сонлардан фойдаланиш.....	264
Йўлдошева Д.Н.	Мактабда она тили таълимни муаммолари.....	268
Носиров Ж.Ш.	Спортчи психологик-эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг методологик асослари.....	277
Абдуллаев С.Ф., Умарова С.М.	Особенности самостоятельного образования студентов направления «Изобразительное искусство и инженерная графика» в условиях заочной формы обучения по предмету «История изобразительного искусства».....	282
Yunusova A.A., Hamroeva S.H.	Analysing spoken texts in the classroom.....	287
Nizamova S.A.	Kimyo fani darslarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish.....	294
Мирзоев Д.П., Қаҳхоров С.К., Ўтаганов А.Б., Салимова М.	Олий таълим муассасаларининг техника соҳасида қўлланиладиган камутацион қурилмаларни ўрганиш.....	299
Abdullayeva L.S.	Chet tillarini o‘qitishda innovatsion va texnologik multimedia resurslaridan foydalanish.....	303
Dehqonova O.Q.	Connectivity evaluation of physics and mathematics in secondary schools.....	307
Namozova K.B.	Ingliz tilini o‘qitishda talabalarda kommunikativ ko‘nikmalarni takomillashtirish (filologiya yo‘nalishi talabalarini misolida).....	311
Халимова Д.Ж.	Медицина фанларини ўқитишини дидактик лойихалаштириш ва унинг воситалари.....	316
SAN’ATSHUNOSLIK		
Ҳайитов Ш.А.	Етук санъаткор (Хофиз) тимсоли.....	322
Арзиматова И.М., Мўминов Ж.М.	Эстетик маданиятнинг структуравий элементлари ва уларнинг ўзига хослиги.....	327
Сиддиқов И.Б.	Ёшлиларда интеллектуал маданиятни шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари.....	331
Аминова Д.Х.	Ўзбекистон интернет ОАВ – маданий янгиланиш жараёнларининг бош омили сифатида.....	336

Bu ro‘yxatni hali uzoq davom ettirish mumkin. Agar ijodkor tomonidan qo‘llanilgan individual metaforalarga e’tibor bersak, o‘zbek nutqida qo‘llaniladigan *pok niyat* o‘rnida *sof tilak*, *borliq qayg‘uda* o‘rnida *borliq g‘ash*, *vujudim pora* o‘rnida *vujudim tilka* kabilarni kuzatamiz.

Shoir ijodida joylashgan o‘rniga ko‘ra o‘xshashlik hosil qilgan metaforik birliklar ham keng qo‘llanilgan bo‘lib, ular asar mazmunini boyitishga xizmat qilgan. Masalan, “*tog‘lar bag‘ridan*”, “*ona yerning otash qa‘ridan*”, “*olis sohillarda*”, “*nur qo‘ynida*”, “*zamin tegrasiga*”, “*yarim tun zulmatida*”...

Erkin Vohidov ijodida takrori yo‘q metaforalarning turli ko‘rinishlar asosida so‘zga jilo berishi shoir ijodining qimmatini belgilaydi va tilimizning imkoniyatlari sarhad bilmasligini namoyon etadi.

ADABIYOTLAR

1. *Воҳидов Э. Достонлар. «Нидо» достони. – Т.: Ёш гвардия, 1973.*
2. *Hakimova M. Semasiologiya. O‘quv qo‘llanma. – Т., 2008.*
3. https://uz.wiktionary.org/wiki/metafora#Ma'_noviy_xususiyatlari.
4. *Навоий Алишер. Ҳайратул-аббор. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1991. 7-жилд.*
5. *Vohidov E. O‘zbegim.– Т.: Yangi asr avlod, 2019.*
6. *Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1982.*
7. *Қиличев Э. Матннинг лингвистик маҳали. – Бухоро, 2000.*

УДК: 894.375:8-13

**УСМОН ҚЎЧҚОР ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИЙ ТИЛИ
ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ЯЗЫК ПОЭМЫ УСМАНА КУЧКАРА
THE ARTISTIC LANGUAGE OF THE POEMS OF USMAN KUCHKAR**

Ўроқова Нафосат Ёриевна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Давр достонлари тилининг ширали, бўёқдор, ранг-баранг бўлиши бадиий тасвир воситаларини ўринли қўллаши билан боғлиқ. Айни чоқда бу воситалар услугуб индивидуаллигини ҳам белгилаб беради. Тасвир воситаларининг қуюқ қўлланиши натижасида мураккаб кечинмалар тасвирини чизишга ҳамда рангин руҳий ҳолатларни сиқиқ, аниқ ифода этишига эришилган шоир Усмон Кўчкорнинг “Кувгин” ва “Широқ” достонлари мисолида таҳлил қилинган. Ўзбек адабиётида анъанавийлашган ташбеҳ, тазод, ирсоли масал, мукаррар сингари санъатлар сўнгги ийллар достонларидағи халқона ва мумтоз оҳангларни кучайтиргани асосланган.

Таянч сўзлар: замонавий ўзбек достони, индивидуал услугуб, халқ қўшиқлари, халқ қарғишилари, халқ мақоллари, бадиий тасвир воситалари, ирсоли масал.

Аннотация. Сочный, красочный язык эпических стихов обусловлен надлежащим использованием художественных средств. В то же время, эти инструменты также определяют индивидуальность стиля. В результате темного применения наглядных пособий для рисования сложных изображений и выражения красочных настроений его проанализировали поэмы Усмана Кучкара «Изгнание» и «Широк». Такие традиции, как традиционализм, конфронтация, наследственные притчи и неизбежность в узбекской литературе, основаны на подъеме народных и классических мелодий в поэмах последних лет.

Ключевые слова: современная узбекская эпопея, индивидуальный стиль, народные песни, ругательства, народные пословицы, художественные иллюстрации.

Abstract. The juicy, colorful language of the epic poems is due to the appropriate use of artistic means. At the same time, these tools also determine the personality of the style. In the epics of the poet Usmon Kochkor “Persecution” and “Shiroq”, the fact is analyzed that as a result of the dark use of visual aids, he was able to draw complex experiences and express colorful moods in a

concise and clear form. Traditional arts in Uzbek literature, such as tashbeh, tazod, irsolı masal, mukarrar, are based on the strengthening of folk and classical tones in the epics of recent years.

Key words: contemporary Uzbek epic, individual style, folk songs, folk curses, folk proverbs, artistic illustrations.

Сўнгги йиллар ўзбек достонлари бадиий тилининг бойлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Бадиий тилда ижодкорнинг индивидуал услуги намоён бўлади. Синтаксис тил қурилишини билдиради. Поэтик синтаксис эса бадиий асар тили қурилишини англатади. Унинг кучайтирувчи, пасайтирувчи, ўзгартирув фигуralаридан иборатлиги адабиётшуносликда ўрганилган. Сўнгги йиллар ўзбек достонлари бадиий қурилишида поэтик синтаксисга хос қатор унсурлар мавжудлиги кузатилди. Шоирлар поэтик нутқнинг хитоб, таъкид, мурожаат каби шаклларидан, сўз такори, лирик эътироф, психологик таҳлил, риторик сўрока табиий тил воситалари унумли фойдаланиб келмоқдалар.

Хусусан, шоир Усмон Кўчкор достонларида бадиий тилнинг ширадорлиги фақат тасвир воситаларида эмас, поэтик синтаксис унсурларини қўллашда ҳам намоён бўлган. Бу унсурлар орқали асарларга образлилик, жозибадорлик, таъсирчанлик бахш этишга эришилган. Ижодкор достонларида ҳаётий-фалсафий мазмунни кучайтиришга хизмат қилган бадиий тил воситалари борки, улар ижодкорнинг ўзига хос услубини белгилаб кўрсатади.

У. Кўчкор достонлари замонавий ўзбек достони анъаналари асосида яратилган, уларда лиро-эпик тасвир устуворлик қиласи. Қолаверса, бу асарлар тилининг содда ва равонлиги, ҳалқ қўшиқлари, достонлари оҳангни ва вазнида битилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, “Кувғин” достонида ҳалқ қарғишлари руҳи ва шаклида ёзилган мисралар кўп учрайди:

Елкаларни ёради қўндоқ,
Халқ кетмоқда беюорт, беватан.
Ўз болангни қўргунча бундоқ,
Кўзинг оқиб тушсин, эй Ватан! [4, 97]

Бу ўринда одамлар бошига ватансизлик қисматини согланларга қаратилган ҳалқ нутқида мавжуд “Кўзинг оқиб тушсин” қарғишидан фойдаланилган.

Шоир мазкур ифодалар билангина чекланмайди. Қарғишлар, асосан, дунё, олам, осмон, ер, ватан, дарё кабиларга қаратилган бўлса-да, аммо уларнинг замирида ватангадолик фифони, эрксизлик изтироби, айрилиқ алами, жудолик фарёди ётади:

Тупроқларинг тош бўлсин, дунё,
Дунё, олов боссин сувингни.
Эккан экинингни сел олсин,
Сўлиб битсин боғларинг, дунё.
Дарёларинг қовжираб қолсин,
Қулаб тушсин тоғларинг, дунё! [4, 119]

Кўринадики, юқоридаги аламли сўзлар юртсевар инсоннинг туркий қавмдошлари тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатиб туради.

У. Кўчкор достонларида риторик сўрока, риторик мурожаат, сукут, эллипсис, аллитерация, анафора сингари поэтик синтаксис унсурлари қўлланган.

Афсус, Ватан – қашшоқ, эл – юпун. [4, 94]

Юқоридаги мисрада эга ва кесимдан иборат “Ватан – қашшоқ, эл – юпун” сатри орқали шоир юртидан қувилаётган ҳалқнинг аянчли ҳолатини ифода ётади. Зоро, элидан айрилган Ватан қашшоқ, ҳайдалаётган ҳалқ эса юпун бўлиши тайин.

Сукут ёки кўп нуқталар достонда лиризмни, кечинма тасвирини беришга ёрдам бериши маълум. Табиийки, достонда кўп нуқталарга ҳам маълум бир маъно юкланди:

Унут бўлса бу дарду алам
Насиб бўлса ... оҳ, насиб бўлса ... [4, 94]

Кувғин бўлаётган қrim-татар ҳалқи ватансизликда дарду алам чекади. Лекин уларнинг қалбида қачондир Ватанга қайтиш умиди бор. Демак, иккинчи мисрадаги кўп нуқталар шу мазмунни ифодалашга хизмат қилган.

“Риторик мурожаатлар тантанаворлик, кўтариқилик ёки кесатиш, кучли ғазаб, нафратни ифодалаш учун қўлланадиган хитоб шаклидаги ифода усулидир” [3, 258], – деб ёзди адабиётшунос олим А.Улуғов. Достондаги риторик мурожаатлар ҳам лирик чекиниши характерига эга:

Нечун ёрилмайсан, эй замин,
Нечун қуламайсан, эй осмон!
Ахир, дўзах азоб-аламин
Чекмоқами яралган инсон?! [4, 99]

Бу риторик мурожаатда ҳам ватансизлик изтироблари акс этган. Лирик қаҳрамон халқ қувғинини дилдан ҳис этар экан, уларни сўроққа тугади ва бу сўроқда жавоб яширган: яъни ватанидан мосуво халқ ҳаёти “дўзах азоб-алам”ига тенг.

Ёхуд бошқа бир ўринда қўлланган риторик сўроқ халқнинг жуда қийналган дамларидаги ҳолатини ифодалайди. Аслида Ватандан қувилиш зўрлик, разолатдир.

Бирдан синди барчанинг шаҳди,
Бу не зўрлик, бу не разолат?
Шивирлади оҳиста Маҳди:
“Излаб келган эдик адолат...” [4, 104]

“Широқ” достонидаги риторик сўроқлар ҳам Ватани учун чин фидо бўлган Широқнинг руҳий оламини ифода этади:

Сенинг шунча оламингга
Битта жоним не бўпти? [5, 11]

Бу сўзлар Широқнинг Гулдурсун билан видолашув лаҳзаларида айтилган. Широқ Гулдурсуннинг озод яшаши учун битта жонини ҳам қурбон қилишга тайёр ошиқ сифатида гавдаланади.

Яшамоқдан не маъно,
Хаётнинг қадри надир?
Чироққа ўзин урган
Парвона дарди надир? [5, 28]

Шоир лирик хотима қиласар экан, Широқнинг мислсиз жасорати асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётганини саволлари қатига яширади.

Адабиётшунос А.Улуғов тўғри таъкидлаганидай, риторик сўроқ шоир ифода этган “ҳис-ҳаяжонни кучайтириш учун берилади” [3, 258].

Лирик хотима мазмунидаги сатрларда риторик сўроқлар шоирнинг узок ўтмиш ва бугун билан боғлиқ тизгинсиз дардларини юзага чиқаради:

Нега менинг дардларим
Бунча мавхум, бетизгин?..
Нега алла эшитсам
Конларимга тушар ўт? [5, 28]

“Широқ” достонида “ирсоли масал” дея номланган мақол ёки ҳикмат келтириш санъатидан ҳам самарали фойдаланилган. Адабиётшуносликда бу санъатнинг икки тури фарқланади: биринчиси, асар мазмунига мос мақол ёки ҳикматли сўзни айнан келтириш, иккинчиси, мақолга ҳам ижодийлик билан ёндашиб, уни ўзгартирган вариантда беришdir. Шеъриятда кўпинча иккинчи кўриниш қўлланилади ва фольклоризм номи билан юритилади:

От ўрнини той босар,
Ўғлимга айт ростини.
Фарқласин оғир кунда
Душманидан дўстини... [5, 11]

Бунда “От ўрнини той босар” мақоли айнан қўлланилган бўлиб, Широқнинг ўғли назарда тутилган.

Шубҳам йўқ бошлиқлардан,
Лекин мақол борки, бас:
Уч киши билган сирнинг

Асло сирлиги қолмас. [5, 15]

Бу парчада “Уч киши билган сирнинг сирлиги қолмас” мақоли ишлатилган. Яъни Широқ Доро ва аъёнлар ҳузурига кирганида, бир ўзи қолишини, кейин ўйлаган ҳийласини айтишини билдиради ва шу мақолни қўллади.

Шоир халқ мақолларини достон тузилмасига олиб кирап экан, ўзи ҳам ҳикмат мазмунидаги сатрларни битади:

Эртакмас бу гапларим,
Бу сўзларим лоф эмас.
Ҳамма нарса топилгай,
Фақат Ватан топилмас. [5, 7]

Бу сатрларда Ватанга муҳаббат туйғулари акс этган.

Ўзга юртнинг болидан
Юртнинг заҳри улуғ – [5, 7]

сатрлари мазмунан “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртнингда гадо бўл” мақолига мос келади.

Минг душманнинг меҳридан
Бир дўстнинг қаҳри улуғ – [5, 7]

сатрлари эса “Дўст ачитиб гапирав, душман кулдириб” мақолига мазмунан ҳамоҳангдир.

Достонда, шунингдек, қаршилантириш, ўхшатиш, истиора каби бадиий воситалардан ҳам кенг фойдаланилган:

Иккисин икки ёндан
Бағрига босди Широқ...
Бу мангулик баҳт эди,
Ва бу – мангулик фироқ... [5, 6]

Широқ фарзанди ва хотини билан хайрлашар экан, иккаласини ҳам бағрига босади. Бу, шоир талқинича, мангу баҳт, чунки бу баҳт қайта тақрорланмайди. Мангу фироқ эса Широқнинг улар билан қайта кўришмаслигини билдириб туради. Бунда “фироқ” ва “баҳт” сўзлари шу жиҳатдан контекстуал антонимдир.

Доро бошин чанглаб,
Қарғанар эди фақат:
“Ярми жаннат, ярмиси
Дўзах бу юртга лаънат”. [5, 27]

Мазкур матнда Доронинг ҳолати, мағлуб онларидаги кайфияти акс этган. “Жаннат” ва “дўзах” сўзлари тўлиқ антоним бўлиб, булар орқали босқинчи шоҳнинг саклар юртига муносабати ифодаланган.

Ер-кўкни босди фарёд,
Даҳшат, ваҳшат, ғалаён.
Уловда ё пиёда
Босиб келар оломон... [5, 3]

Бунда Доро қўшинининг саклар қабиласига бостириб кириши манзаралари тасвир этилган. Бинобарин, жуфт сўз (ер-кўк) таносубни юзага келтириб, ўша даҳшат ва ваҳшатга гувоҳ бўлган халқнинг ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

Сўнг чиқиб кетди ҳамма,
Чўпону хоқон қолди.
Ватан дея аталган
Ер билан осмон қолди... [5, 16]

Мазкур парчада Широқнинг хоқон ҳузуридаги сухбати акс этган. “Ер” ва “осмон” сўзлари қарама-қарши маънони ифодаласа-да, бунда умумлаштирувчи маъно – Ватанни ифодалаб келяпти.

Охириги икки банднинг ҳар бирида зидлик ҳосил қилувчи сўзлар жуфт-жуфт қўлланилиб, банд мазмунини кучайтиришга хизмат қилган. Бу Усмон Кўчкор услубидаги индивидуалликни билдириб туради.

Достонда ташбехнинг ҳам бетакрор намуналари учрайди. Айниқса, Широқ портретида буни қузатиш мумкин:

Нигоҳлари бургутдек,
Соч – елкада қўнғироқ...
Хуллас, сурувни ҳайдаб
Най чалиб юргани чоқ. [5, 3]

Широқнинг қарашлари ўткирликда бургутникига, сочининг жингалаклиги қўнғироқقا ўхшатилади. Мазкур тасвир У.Кўчкор қаҳрамонининг навқирон ёшда эканлигини қўрсатиб туради.

Широқ аёли Гулдурсун билан хайрлашар экан, унга қаратада шундай дейди:

Тангрим ўзи яратган
Сендеқ сулув жаҳонни.
Ҳамда уни асраш учун
Мендек танҳо қурбонни. [5, 11]

Зоро, Тангри яратган сулув жаҳон – Гулдурсун, унинг учун танҳо қурбон эса Широқнинг ўзи. Шоир бу ташбех орқали севгилиси учун фидойи ошиқ юрти учун ҳам шундай фидойилик кўрсата олади, демокчи.

Ёки бошқа бир ўринда Доро Широққа боқар экан, уни ғўлага қўндирилган мўндига қиёслайди. Шу ўхшатиш Доронинг оддий чўпонга нисбатан паст назар билан муносабатда бўлганлигини асослаб туради:

Айш ичра бу Дорога
Жуда хунук кўринди:
Қайдан келмиш ғўлага
Қўндирилган бу мўнди. [5, 18]

Кўринадики, шоир бу лавҳаларда мутлақ ташбех (тўлиқ ташбех)ни муваффақиятли қўллаган ва бу қаҳрамонлар руҳиятини очиб беришга хизмат қилган.

Яна бир ўринда қўлланган ташбех Широқнинг ўғли билан хайрлашаётган ҳолати билан боғлиқ, унда отанинг фарзандга насиҳати мазмуни мужассам:

Бир кун англаб етарсан
Бу хикматни, болам-а,
Сен қулдек яшама деб,
Мен мард бўлиб ўламан. [5, 6]

Широқ фарзандининг қулдек яшамаслиги учун жонини қурбон қилишга тайёр. Шуни ўғлига уқтироқда.

Достонда қаршилантириш ва ўхшатиш санъатлари деярли бир ўринда қўлланилиб, поэтик мазмунни кучайтиришга хизмат қилганлиги қузатилади. Буни Широқнинг хотини Гулдурсун билан видолашаётган ҳолати тасвирида кўриш мумкин:

Гоҳо бўрон, гоҳо самум –
Девонадек келурман.
Тунлар ёққан чироғингга
Парвонадек келурман. (5, 12)

Кўринадики, бўрон совук шамол, самум эса иссиқ шамол маъносида бир-бирига зидликни билдиради. Шу билан бирга, бу ерда ўхшатиш ҳам бор: Широқ ўзини девонага, парвонага ўхшатади. Яъни у “мен ҳамиша – қишу ёз сизлар билан биргаман”, демокчи.

Умуман айтганда, У.Кўчкор достонлари бадиий тилининг пишиқлиги, соддалиги, равонлиги билан алоҳида хусусият касб этган. Шоир қўллаган бадиий санъат (ирсоли масал, тазод, ташбех)лар асар қаҳрамонлари характеристини, руҳиятидаги ўзгаришларни очиб беришга хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Жабборов Н. Замон. Шеърият. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.
2. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. Тамойиллар, тажрибалар, сабоқлар. – Т.: ЎзРФА “Фан”, 2007. – 260 б.
3. Ulug'ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – T.: G'. Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. – 258 б.
4. Кўчкор У. Оғир карвон. – Т.: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1991. – 97 б.
5. Кўчкор У. Широқ. – Т.: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1999. – 112 б.
6. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. – Т., 2016. – 267 б.
7. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси: Филол. фанл. докт. илмий даражасини олиши учун тақдим этилган дисс. – Самарқанд, 2004. – 258 б.

УДК: 895.375:8-31

“ОЗОД” РОМАНИДА ПОСТМОДЕРНИСТИК СЮЖЕТ ТАМОЙИЛИ

ПОСТМОДЕРНИСТСКИЙ СЮЖЕТ В РОМАНЕ «ОЗОД»

THE POSTMODERNIST STORYLINE IN THE NOVEL “OZOD”

Султонова Нилуфар Нарзуллаевна,
ҚарДУ адабиётишунослик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақола модификациянинг бадиийлик мезонлари унинг адабиётимиздаги ўзига хослигини адабий асарлар орқали таҳлил этади. Исажон Султоннинг индивидуал услугби, у яратган образлар тизими одам ва оламга дахлдор, бир иқтидорли олимнинг бошидан кечган воқеликни, қалбидаги нозик инсоний туйгуларини ўзига хос услугда ифода қилиши жараёни акс этган.

Таянч сўзлар: модус, атрибут, модификация, мезон, ўлчов.

Аннотация. В данной статье анализируется художественный критерий модификации через литературные произведения его уникальности в литературе. Индивидуальный стиль Исажона Султана, образ его творений, отражает реальность талантливого ученого, который связан с миром, и процесс выражения чувствительных человеческих чувств в его сердце.

Ключевые слова: модус, атрибут, модификация, критерии, измерение.

Abstract. This article analyzes the artistic criterion of modification through literary works of its uniqueness in our literature. The individual style of Isajon Sultan, the image of his creations, reflects the reality of a talented scientist, one that is related to the world, and the process of expression of the sensitive human feelings in his heart.

Key words: modus, attribute, modification, criteria, measurement.

Исожон Султоннинг “Озод” романи катор композицион қурилишга хос белгилари, айниқса, сюжет таркибининг тузилиши билан XX асрнинг иккинчи яримида Европада, XX асарнинг ўрталарида, рус адабиётшунослигида вужудга келган постмодернизм адабиёти намуналарига яқин келади. Шу билан бирга бу постмодернистик асар миллий-маънавий тафаккуримиз, минг йиллик мумтоз адабиётимиз, шарқона этикамиз негизига қурилганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Постмодернизм 60-70-йиллар оралиғида сўз юритила бошлаган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу масала талқинлари XXI асрнинг 10-йилларидан бошланди. Бундай талқинларнинг муайян ижодкорлар асарлари (А.Йўлдош – У.Норматов; И.Султон – А.Расулов) ёки дарслклар (Қ.Йўлдош, М.Йўлдош), терминологик лугатлар (Д.Қуронов ва бошқалар) муносабати билан ёзилганига гувоҳ бўламиз. “Бироқ ўзбек адабиётшунослигида ҳали бу масалани тадқиқ этиш деярли бошланмади, уни атрофлича ўрганиш ҳамон эртанинг вазифаси бўлиб қолмоқда”[1].